

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қирғиз Республикаси Президенти билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 май куни Қирғиз Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳукуматларининг коронавирус пандемиясига қарши курашда яқиндан ҳамкорлик қилаётгани мамнуният билан қайд этилди. Мамлакатларимизда ушбу хавфли касаллик тарқалишининг, аввало, савдо-иктисодий алоқаларга салбий оқибатларини камайтириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар қўллаб-қувватланди.

Туркий тиллий давлатлар ҳамкорлик кенгашининг навбатдан ташқари саммитида қабул қилинган қарорларга мувофиқ соғлиқни сақлаш ва транспорт вазирларининг ташкил этилган кўп томонлама маслаҳатлашувлари натижалари юксак баҳоланди.

Президентлар Ўзбекистонда Сардоба сув омборидаги фавқулодда ҳодиса оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Мулоқот якунида ўзаро товар айирбошлишнинг юқори суръатини сақлаш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида кооперацияни кенгайтириш, устувор инвестиция ва инфратузилма, шу жумладан минтақавий аҳамиятдаги лойиҳаларни илгари суришга қаратилган биргаликдаги ишларни фаол давом эттиришга келишиб олинди.

Суҳбат чоғида қатор халқаро масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

**Манба**